



IJIRSET

International Journal of Innovative Research in
SCIENCE | ENGINEERING | TECHNOLOGY

e-ISSN: 2319-8753 | p-ISSN: 2347-6710



INTERNATIONAL JOURNAL OF INNOVATIVE RESEARCH

IN SCIENCE | ENGINEERING | TECHNOLOGY

Volume 11, Issue 3, March 2022

ISSN INTERNATIONAL
STANDARD
SERIAL
NUMBER
INDIA

Impact Factor: 7.569



9940 572 462



6381 907 438



ijirset@gmail.com



www.ijirset.com

BASIS OF TEACHING GEOMETRY

Narimbetova Z.A.¹, Eshqoraev Q.A.²

Teacher of the department "Primary Education", Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region, Uzbekistan¹

Lecturer at the Department of Algebra and Mathematical Analysis, Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region, Uzbekistan²

ABSTRACT: Geometry is one of the main subjects in a comprehensive school and this article discusses the basics of its teaching.

KEYWORDS: geometry, general, education, school, teaching, science, base, knowledge, skill, qualification.

ГЕОМЕТРИЯНИ ЎҚИТИШ ТАЯНЧЛАРИ

Наримбетова З.А.¹

“Бошлангич таълим” кафедраси ўқитувчиши

Тошкент вилояти Чирчик давлат педагогика институти¹

Ешқораев Қ.А.²

“Алгебра ва математик анализ” кафедраси ўқитувчиши

Тошкент вилояти Чирчик давлат педагогика институти²

Аннотация: умумий ўрта таълим мактабларида Геометрия асосий ўқув фанларидан ҳисобланади ва мазкур мақолада уни ўқитишнинг таянчлари тўғрисида фикр юритилган.

Калит сўзлар: геометрия, умумий, таълим, мактаб, ўқитиш, фан, таянч, билим, кўнишка, малака.

Умумий ўртатавлым мактабларида ўқитиладиган Геометрия фани асосий ўқув фанларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 майдаги “Математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий-тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорида барча математик фанлар қаторида Геометрия фанини ўқитишни кучайтириш вазифалари белгиланган [1]. Чунки Геометрия фани қурилиш, илм-фан, иқтисодиёт, инновацион ривожланиш каби соҳаларда етук мутахассис бўлишнинг таянчларидан бири дидир. Шу сабабли мазкур фанни ўзлаштириш давлат таълим стандартларининг белгиланган вазифалари доирасига киради [2].

Уларнинг асосийлари қўйидагилардан иборат бўлиб, Геометрия фанини ўқитиш бўйича давлат таълим стандартлари ва малака талабларида акс этиши максадга мувофиқ бўлади:

- 10-11 синфларда Геометрия фанини ўқитишда мавзуулар бўйича тўлиқ узвийликни таъминлаш;
- таълимнинг мазкур босқичида Геометрия фани бўйича бериладиган ўқув материалларининг ўқувчиларнинг қулай ўзлаштириши, қизиқиш билан муносабатда бўлиши ва мавзуулар бўйича аниқ кўнишкаларга эга бўлишига йўналтирилиши;
- мазкур фанни ўқитишда умумий ўрта таълим мактаби ва олий таълим муассасаси ҳамкорлиги механизmlарига таяниш;
- 10-11 синфларда Геометрия фани воситасида ўзлаштирилдиган билим, кўнишка ва малака компетенциялари кўламини аниқ белгалаб қўйиш;
- ушбу фан бўйича ўқувчиларнинг ўзлаштирганлик даражасини баҳолашнинг мутлақо янги тизимини ишлаб чиқиши.

Буларнинг барчаси Геометрия фани бўйича ишлаб чиқиладиган янги асосдаги давлат таълим стандартлари ва малака талабларини ҳалқаро таълим дастурлари талаблари асосида яратиш имконини беради[2].

Бугунги кунда умумий ўрта таълим мактабларида, жумладан, 10-11 синфларда геометрия фанини ўқитишининг ўзига хос анъанавий ва ноанъанавий методлари ҳамда технологияларига амал қилиш жорий этилган. Бунда бугунги кунда қўйидаги анъанавий методлар устувор эканлиги кўзга ташланади:

тушунтириш;

ўргатиш;

йўналтириш;

баҳолаш.

Геометрия фанини ўқитишининг бу анъанавий методлари тажрибадан ўтганлиги билан муҳим аҳамиятга эга.

Умумий ўрта таълим мактабларида Геометрия фанини ўқитишида ноанъанавий методларга асосланиш ҳам таркиб топган. Бундай ноанъанавий методларнинг асосийлари қўйидагилардан иборат:

ўқитишининг техник воситалари таяниш;

ўқитишининг мустақил таълим методига устувор даражада аҳамият бериш;

ўкувчиларнинг ўзлаштирганлик даражасини мониторинг қилиб бориши;

ўкувчиларнинг билимини ўкув-техник жиҳозлар воситасида баҳолаш.

Бу ноанъанавий методлар Геометрия фани ўкув режа ва дастурларида назарда тутилган билим ҳамда амалий қўнималарда ўкувчиларда кутилган даражада беришга асос бўлмоқда.

Геометрия фанини умумий ўрта таълим мактабларида ўқитишининг амалдаги ўзига хос технологиялари ҳам мавжуд. Бундай технологияларнинг асосийлари қўйидагилардир:

ўқитишининг Кейс стади технологияси;

ўқитишининг ривожлантирувчи таълим технологияси;

ўқитишининг техник имкониятлар технологияси;

ўқитишининг эмперик технологияси.

Мазкур ўқитиши технологиялари умумий ўрта таълим мактабларида, жумладан, таълимнинг тўлиқ босқичи бўлган 10-11 синфларда Геометрия фанини бугунги кун талаблари асосида ўқитиши имконини берадётганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Эътибор берилса, Ўзбекистон умумий ўрта таълим мактабларида Геометрия фанини ўқитишининг ўзига хос давлат таълим стандартлари ва малака талаблари, ўкув режалари, дастурлари, дарслклари, ўқитишининг анъанавий ва ноанъанавий методлари ҳамда технологиялари амалда қўлланилиб келинмоқда. Айни пайтда, мазкур фанни умумий ўрта таълим мактабларида, айниқса, 10-11 синфларда ўқитиши методикасини замонавий талаблар асосида ривожлантириш зарурият бўлиб туриди. Бу зарурият қўйидагилар билан белгиланади:

Геометрия фанини ўқитиши методикасини янгилаб бориш ва ривожлантириш асосларини ишлаб чиқиш;

мазкур фан бўйича ўкувчиларнинг қизиқишлигини кучайтириш, бу борадаги уларнинг лаёқат ва қобилиятларини ривожлантириш;

ушбу фан бўйича ўкувчиларнинг ҳалқаро фан олимпиадаларида иштирокини кучайтириш ва бунинг учун фанни инновацион ёндашуввлар асосида ўқитиши йўлга қўйиш;

қобилиятли ўкувчилардан келгусида Геометрия фани бўйича истеъоддли мутахассислар тайёрлаш селекциясини амалга ошириш.

Бу зарауриятлар умумий ўрта таълим мактабларида Геометрия фанини ўқитиши методикасини ривожлантиришда мақсадли ёндашиш учун асос бўлади. Шу сабабли бу борада қўйидагиларга эътибор бериш кутилган самарани беради:

Умумий ўрта таълим мактабларида Геометрия фанини ўқитиши методикасини ривожлантириш бўйича миллий ва ҳалқаро илмий-тадқиқотчилик тажрибалари ҳам мавжуд. Бунда умумий ўрта таълим мактабларида Геометрия фанини ўқитиши методикасини ривожлантириш бўйича қўйидаги миллий илмий-тадқиқотчилик тажрибаларидан фойдаланиш имкониятлари борлигини таъкидлаш жоиз:

Геометрия фани ва уни ўқитиши методологияси бўйича амалга оширилган илмий-назарий ҳамда амалий тадқиқотларнинг хулосаларидан фойдаланиш;

Геометрия фани бўйича тарихий-педагогик манбаларда тақдим этилган методологик тавсиялардан фойдаланиш (мисол учун, Абу Райхон Берунийнинг “Геодезия” асарида Геометрия фани асослари ва уни ўзлаштириш омиллари бўйича муҳим тавсиялар берилган);

ушбу фан бўйича амалга оширилаётган ихтиrolар ва кашфиётлардан фойдаланиш.

Фанни ўқитиши бўйича бу миллий илмий-тадқиқотчилик тажрибалари биз учун таълим-тарбия жараёнида муҳим аҳамиятга эга[3].

Геометрия фанини умумтаълим мактабларида ўқитиши бўйича халқаро илмий-тадқиқотчилик тажрибаларидан ҳам фойдаланиш мақсадга мувоғиқ бўлади. Бундай халқаро илмий-амалий тадқиқотчиликнинг энг муҳимлари қўйидагилардир:

Геометрия фанини ўқитишида ҳар бир таълим олувчига индивидуал ёндашишга доир илмий-тадқиқотлар тавсияларидан фойдаланиш;

фани ўқитишида ишлаб чиқилган замонавий ва инновацион технологиялардан фойдаланиш;

хорижий мамлакатлар илмий ва таълим муассасаларида фаолият юритаётган илмий-амалий марказларнинг тажрибаларидан фойдаланиш.

Геометрия фанини ўқитишининг бундай халқаро илмий-тадқиқотчилик тажрибларидан фойдаланиш мазкур фанни ўқитишининг меъёрий факторларини идрок этишида муҳим ўрин тутади. Улар асосида фанни ўқитиши методикасини ривожлантириш йўналишларини белгилаб олиш мумкин.

Умумий ўрта таълим мактабларида Геометрия фанини ўқитиши бўйича мамлакатимизда амалий фаолиятдаги ўқитувчиларнинг ҳам ўзига хос индивидуал методлари мавжуд бўлиб, улар фанни ўқитиши методикасини ривожлантириш асосларини белгилашда амалий материаллар бўлиб хизмат қиласади. Бундай индивидуал методларга қўйидаги хусусиятлар хос:

фани ўқитишида ҳар бир ўқувчи билан индивидуал ишлаш;

таълим жараёнида ўқувчиларнинг ушбу фан бўйича лаёкатларини аниқлаб, улар билан гурӯхли тарзда ишлаш;

лаёкатли ўқувчиларга маҳсус топшириклар ва вазифалар бериш[4,5].

Бундан индивидуал тажриблар амалий фаолиятдаги ўқитувчиларнинг йиллаб давом этган касбий фаолиятида таркиб топган. Шу сабабли бундай тажриблар умумий ўрта таълим мактабларида, айниқса, 10-11 синфларда геометрия фанини ўқитиши методикасини амалий ривожлантириш асосларини белгилаб олишда таянч материал ҳисобланади.

Эътибор берилса, умумий ўрта таълим мактабларида геометрия фанини ўқитишининг таянчлари ўзига хос хусусиятларга эгалиги билан диккатни тортади.

Умумий ўрта таълим мактабларида Геометрия фанини ўқитишининг “меъёрий факторлари” деганда қўйидагилар назарда тутилади:

мазкур фанни ўқитиши бўйича давлат таълим стандартлари ва малака талаблари, ўқув режа, дастур ва дарслеклари;

ушбу фанни ўқитишининг анъанавий ва ноанъанавий методлари ҳамда технологиялари;

бу фанни ўқитиши методикасини ривожлантириш бўйича миллий ва халқаро илмий-тадқиқотчилик тажриблари;

фани ўқитиши бўйича тажрибали ўқитувчиларнинг индивидуал методлари.

Аввало бу факторлар асосида фанни ўқитиши муваффақиятли амалга оширилмоқда, қолаверса, бу факторларнинг таҳлили фанни ўқитиши методикасини янгилаш ва ривожлантириш зарурятини кўрсатади. Шу сабабли бизнинг ёндашувимизга кўра, бу борада маҳсус тадқиқот ишлари амалга оширилиши ҳамда фанни ўқитиши методикасини ривожлантиришнинг янгича методларини ишлаб чиқилиши тақозо этилади[5].

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 майдаги “Математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий-тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. // WWW.ZIYONET.UZ.
2. Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти. // www.ziyonet.uz.

3. Шерматов Ш. Халқ таълим: эврилиш ва юксалиш йўли. // “Янги Ўзбекистон” газетаси 2021 йил 30 сентябрь сони.
4. Наримбетова З.А. “Математика ўқитиш методикаси” фанидан амалий машгулотларни ўқитиш технологияси бўйича услубий кўрсатма. –Чирчиқ, 2020.
5. Наримбетова З.А. Умумий ўрта таълим мактабларида геометрия фанини ўқитишнинг ахборот-коммуникацион масоғавий таълим методи. // Янги Ўзбекистонда ислоҳотларни амалга оширишда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш. Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. Андижон машинасозлар институти. Андижон, 2021 йил 27-29 октябрь. Б. 149-151
6. Наримбетова З.А. Информационно-коммуникационные технологии в начальной школе. // Экономика и социум. № 8 (87), 2021. Б 373-378
7. Наримбетова З.А. Математика дарсларида ўқувчилар ижодкорлигини ривожлантиришда ахборот-коммуникацион технологияларининг ўрни.//Халқ таълими, №2, 2021,131-134 б.
8. Наримбетова З.А. Ўмумий ўрта таълим мактабларида геометрия фанини ўқитишнинг узвийлиги./Муғаллим ҳам узлуксиз билимдендириу, 58-61 бет.
9. Наримбетова З. А. Математикани ўқитишда илгор педагогик технологиялар ва ўқитишнинг замонавий усууларидан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари.// СамДУ Ta’lim sifatini oshirish va zamonaviy interfa’ol metodlardan foydalanishning innovatsion texnologiyalari va uslublari. 3-Q.143-146 б.
10. Наримбетова З. А. Умумий ўрта таълим мактабларида Геометрия фанини ўқитишнинг меъёрий факторлари.// Мирзо Уlugбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети илмий журнали, 2021 , 1/6/11.61-165 б.
11. Наримбетова З. А. Қ.А. Эшқораев,А.Ф.Норқулов Математика фани тўгаракларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича услубий тавсиялар. Муғаллим ҳам узлуксиз билимдендириу// № 1-1.2020. 106-109 б.



INNO SPACE
SJIF Scientific Journal Impact Factor

Impact Factor:
7.569



ISSN INTERNATIONAL
STANDARD
SERIAL
NUMBER
INDIA



INTERNATIONAL JOURNAL OF INNOVATIVE RESEARCH

IN SCIENCE | ENGINEERING | TECHNOLOGY

9940 572 462 **6381 907 438** **ijirset@gmail.com**

www.ijirset.com



Scan to save the contact details